ҚИШЛОҚ ХАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 18 апрель. ЖУМА № 31 (5.804). Сотувда эркин нархда

ДАЛАЛАРДА СУБҲИДАМ САБОСИ, БАЙРАМ НАВОСИ

ҒАНИМАТ ОНЛАР ҚАДРИ

Бу йил республикада 1 миллион 500 минг гектар ерга чигит экилади. Айни чоғда бободеҳқонларимиз кўкламнинг ҳар бир кунини ғанимат билиб ерга чигит қадашни жадал суръатларда олиб бормоқда. Лекин республикамизнинг кўплаб вилоятларида охирги 3-4 кун ичида ёғин-сочиннинг тез-тез бўлганлиги оқибатида бу тадбирни жадаллаштириш қийин кечди. Масалан, шу йил 14 апрель куни республика бўйича жами 18 минг 777 гектар ерга чигит экилди. Ваҳоланки, ўтган йили шу куни бу рақам 72 минг 601 гектарни ташкил қилганди. Жорий йил мавсум бошидан эса 481,4 минг гектар майдонга пахта уруғи жойлаштирилиб, режа 32,1 фоизга бажарилди. 1996 йилги шу даврда бу рақам 617,2 минг гектарга етказилиб, режа 41 фоиздан ошиб кетганди.

Чигит экиш қандай бормоқда?

Хўш, шундай экан, ерга чигит қадаш вилоятларда қандай бормоқда? Яна шу йил 14 апрель кунига бўлган тезкор маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил эмас. Мисол учун ўтган йили давлатга пахта сотиш режасини республикада биринчи бўлиб бажарган Андижон вилояти деҳқонлари бу йил ҳам отни эртароқ қамчиладилар. Улар шу кунгача 110 минг гектар пахта майдонининг 86,8 минг геатарига чигит экиб, режани 78,9 фоизга адо этдилар. Фарғона вилояти пахтакорлари ҳам илдам. Айни кунларга келиб улар 73,9 минг гектар ерга чигитни экиб бўлди. Бу борадаги режа 58,1 фоизга етди.

Ўтган йилги вилоят сессиясида белгиланган танқиддан тўғри хулоса чиқарган сирдарёликлар чигит экишга барвақт киришдилар. Вилоятда 141 минг гектар ерда пахта етиштирилиши керак. Деҳқонлар ҳозиргача шундан 44,8 минг гектарига чигит экиб бўлишди. Бу 31,8 фоиз демакдир.

Жиззах вилояти пахтакорлари ҳам ўтган йилги камчиликларни изчил бартараф этиб, деҳқончиликда муайян ютуқларни қўлга киритишмоқда. Жумладан, деҳқонлар чигит экиш режасини 34 фоизга бажаргани ҳолда булгурги кўрсаткичлардан анча илгарилаб кетди. Экилган 37,7 минг гектар пахта майдонининг 15,8 минг гектари минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Бу эса ўз навбатида ҳосилдорликнинг ошишини таъминлаши тайин. Шунингдек, Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти пахтакорлари ҳам чигит экишда булгурги кўрсаткичлардан олдин боришмоқда.

Бироқ республикамизнинг қатор вилоятлари ерга барака уруғи ташлашни ҳамон жадаллаштирилганича йўқ, кўрсаткичлар ўтган йилгидан анча паст. Масалан, Бухоро вилояти деҳқонлари булгур шу даврга келиб 96,9 минг гектар пахта майдонига чигит қадаб, режани 75,1 фоизга етказиб қўйишганди. Бу йил эса жами 24,7 минг гектар ерга чигит экилиб, режа 19,1 фоизга етди. Республиканинг энг кўп пахта етиштирадиган вилоятларидан бири бўлган Қашқадарёда бу йил 173 минг гектар ерга уруғ қадалиши керак. Амалда эса 12,9 минг гектарга чигит экилиб, режа 7,5 фоиз бажарилди, холос. Ўтган йили шу даврга 52,8 минг гектарга уруғ экилиб, режа 30,5 фоиз бўлганди. Навоий вилоятида эса режа 8,9 фоизга етказилгани ҳолда кунига бор-йўғи 389 гектарга уруғ ташланмоқда. Бундай сусткашликни Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида ҳам кўриш мумкин.

Жорий йилда Андижон усули — плёнка остига чигит экиш кенг оммалашмоқда. Шу усулда республикамизда 218,5 минг гектар ерга чигит қадалиши мўлжалланган. Миришкор деҳқонлар бу янгиликни қўллаб чигитни ерга иложи борича эрта тушишини кўзлаган ҳолда ишни жадаллаштиришмоқда. Улар 117,1 минг гектар ерга шу усулда чигит экиб, режанинг ярмидан оширишди. Бу борада айниқса наманганлик пахтакорлар пешқадамлик қилмоқда. Улар бу йили 20 минг гектар ерга Андижон усули плёнка остига чигит экишни мўлжаллаб қўйишганди. Бугунги кунга келиб шунинг 18,2 минг гектарига уруғ тушди. Бу режанинг 91 фоизи демакдир. Плёнка остида пахта етиштириш ташаббускори андижонликлар бу йил бу усулда чигит экишни 70 минг гектаргача етказишни мўлжаллашган. Айни чоғда 58,9 минг гектар пахта майдонига чигит плёнка остига ташланиб, режа 84,1 фоизга адо этилди. Қарийб 20 минг гектар ерга Андижон технологияси асосида плёнка остига чигит қадашни мўлжаллаган фарғоналиклар ҳам режани 72 фоизга етказиб қўйишди. Лекин бу борада ҳам Қашқадарёе, Самарқанд, Навоий вилоятлари қолоқликка йўл қўймоқдалар. Мисол усун Самарқанд вилоятида плёнка остига чигит экиш режаси 20 минг гектар бўлгани ҳолда ҳозирги кунгача бор-йўғи 700 гектарга уруғ қадалган. Бу 3,5 фоизни ташкил қилади. Навоий вилоятида эса плёнка остида экилган чигит 80 гектаргина бўлиб, режа 2,7 фоизга энди етди. Қашқадарёда эса шу кунгача 600 гектарга чигит экилиб, режа 6 фоизни ташкил қилди. Кунига ўртача 90 гектарга чигит қадалаётганини ҳисобга олсак, қашқадарёликлар режадаги 10 минг гектарни қачон экиб бўлишади?

Республикада Андижон технологияси асосида плёнка остига чигит экишда уни бирваракайига ўғитлантириб кетишга ҳам эътибор берилмоқда. Шу кунгача экилган ерларга 38 минг 575 тонна минерал ўғитлар солинди. Жумладан, Андижон вилоятида 18 минг 349 тонна, Фарғона вилоятида 6 минг 256 тонна, Наманган вилоятида 5 минг 790 тонна минерал ўғитлар экилган ерларга солиниб, мўл ҳосилга замин яратилди.

Баҳор кутиб турмайди. Шу боис ғанимат кунларда ҳамма жойда бор куч ва имкониятларини ишга солиб чигит экишни ўз вақтида тугатишга эришмоқ лозим.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Асл соҳибкор эккан ниҳоли униб чиқса бир қувонса, гуллаганида,ҳосил нишоналарини кўриб, яна минг бор яйраб кетади. Кўнгиллар оқ, ниятлар пок, мақсадлар улуғ. Ҳар йилги баҳорнинг ўз гашти бор. Нуронийлар ҳар баҳорни қай йўсинда келиб-кетишини кузатиб юрадилар. Бу йил боғлар серҳосил, даромадлар мўмай, дастурхонлар мўл бўлишини улар башорат қилмоқдалар. Иншоолло, кўпчиликнинг ризқига оқ ниятлар ушалаверсин.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат-лавҳа.

ҒОЛИБЛАРНИ КАТТА СОВРИНЛАР КУТМОҚДА

Наманган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси туманлар, хўжаликлар, фермер хўжаликлари ўртасида чигит экиш ва ғўза парваришини ташкил этишда энг яхши натижага эришиш учун мусобақа эълон қилди. Мусобақа ғолибларини совринлар кутади.

Вилоят пахта далаларидаги ишларнинг суръатига қараганда, ғолибларни аниқлаш осон бўлмайди. Мукофот эса арзирлидир. Ғолибларга эллик минг сўмдан юз минг сўмгача пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилади. Совғалар орасида рангли ва оқ-қора телевизорлар, республика санаторийларига йўлланмалар бор.

(ЎзА)

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖЎШҚИН ҲАЁТИ

ТОМОРҚАДАН МЎМАЙ ДАРОМАД

Наманган вилоятида томорқа хўжаликларини ривожлантириш, маҳсулотлар тури ва сифатини ошириш юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ниятда сўнгги етти йил ичида аҳолига 23,1 минг гектар ер ажратилди. Ғамхўрликдан руҳланган миришкорлар бир йилда томорқадан 2-3 ҳосил олиш учун ҳар қарич ердан унумли фойдаланишмоқда. Чустлик Ж. Турсунов бултур 15 сотихдан 71 минг сўм, янгиқўрғонлик А. Мубораков эса 12 сотихдан 56 минг сўм даромад олишга эришдилар. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, эришилган натижани бир гектарга ҳисоблаганда 460-500 минг сўмни ташкил этади. Бу жамоа хўжаликларидагига нисбатан қарайиб 9 баравар кўпдир.

Миришкорлар айни кунларда томорқаларида етиштирган эртаги сабзавот маҳсулотларини пешма-пеш истеъмолчиларга тортиқ этишмоқда.

ИЗБОСКАН НАМУНАСИ

Сўнгги кунлардаги кучли ёғингарчиликлар избосканлик деҳқонларни яна бир бор синовдан ўтказди. Улар омилкорлик, уюшқоқлик кўрсатиб қулай муддатларда чигит экишни намунали ташкил этишга эришдилар. Бу йил «Урганжи» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам эзгу ниятни дилга жо қилган ҳолда далаларда фидойилик кўрсатишмоқда. Бу ерда плёнка остига чигит экиш технологиясини жорий этиш юзасидан бой тажриба тўпланган. Истиқболли усул шарофати билан асосий тармоқ изчил ривожланяпти. Хўжалик заршуносларининг бу йилги аҳди ҳосилдорликни гектарига камида 45 центнерга етказиш. Деҳқон кузини қувнатиб бир текис униб чиққан ниҳолларга сифатли ишлов берилмоқда.

Хўжалик далаларини айлансангиз барқ уриб ўсаётган бутдой майсаларини кўриб ҳайратланасиз. Экинни суғориш, озиқлантириш оби-тобида бажарилаётганлиги учун галлазор кунда бир яшнамоқда. Фидойи деҳқонлар галла ҳосилдорлигини гектарига 70 центнерга етказиш учун имкониятдан унумли фойдаланишмоқда.

Избосканлик миришкорларнинг шашти баланд. Пахта етиштиришга ажратилган майдонларнинг қарийб 93 фоизига плёнка остида чигит экилди. Илғорлар тажрибаси кенг оммалашаётганлиги қувончли ҳолдир.

ЭГИЗ ҚЎЗИЛАР

Саидаҳмад Маҳмудов Бешариқ туманидаги «Яккатут» ширкатлар уюшмасининг энг тажрибали чўпонларидан бири. У хосиятли касбнинг нозик томонларини пухта ўзлаштирган. Бугун об-ҳаво қандай бўлади, сурувни яйратиб ўтлатиш учун қайси яйлов қулайлигини мураббий яхши билади. Масъулиятли имтиҳон дамларида Саидаҳмад аканинг қатъиятлиги, ташкилотчилиги асқотмоқда. Қарамоғидаги совлиқни меҳр билан парваришланганлиги, жониворларни қишловдан талофатсиз олиб чиқишга эришганлиги ўз самарасини кўрсатди. Моҳир чўпон ҳар юз совлиқдан 102 тадан дуркун қўзи олишга эришди. Энг кўп эгиз қўзилар ҳисобига ёзилди.

Ана шундай фидойи кишиларнинг самарали меҳнати туфайли хўжаликдаги мавжуд 1189 бош совлиқдан тўл олиш барвақт якунланди. Йиллик режа ортиғи билан адо этилди.

ХАЙРЛИ ТАДБИР МЕВАСИ

Жорий йилда Ғузор тумани хўжаликлари, маҳаллаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Мақсадга эришишда Наврўзи олам шарофати билан ўтказган катта ҳашарнинг нафи алоҳида бўлди. Унда 40 мингдан зиёд киши фаол иштирок этди. Кўчалар, ҳиёбонлар ободонлаштирилди. 33 минг турдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари утказилди. Туман қуркига кўрк қўшган ниҳоллар эндиликда меҳр билан парваришланмоқда.

ГУРИЛЛАЙВЕР, ТЕГИРМОН!

Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида бир кеча кундузда 600 тонна буғдой қайта ишланади. Омилкор кишиларнинг саъй-ҳаракати билан бу ерда макарон, қандолат маҳсулотлари цехлари ҳам ишга туширилган. Замонавий элеватор, унни қопсиз ташиш йўлга қўйилганлиги шарофати билан маблағлар тежалмоқда. Эргаш Жумаев, Шокир Азизов, Ҳасан Ҳидиров каби ўз касбининг усталари сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари аҳолига қулайлик яратиш юзасидан хайрли ишларга қўл уришмоқда. Жумладан, ўзаро шартнома асосида аҳолининг буғдойи тортиб ун қилиб берилмоқда, нонвойхоналарда ёпилаётган бўрсилдоқ нонлар савдо дўконларига жўнатилмоқда.

Қ. ҒИЁСОВ.

ЯНГИЛИКНИНГ КЕЛАЖАГИ ЁРҚИН

Мавсум таҳлили

Муқаддас каломларда эзгу ниятда қилинаётган ҳаракатга баракот ато этилмоғи алоҳида таъкидланган. Ҳақиқатдан инсон яхшиликни ўйлаб тер тўкар экан меҳнати ҳеч қачон зое кетмайди. Амаллар натижасига қараб баҳоланганидек, қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракат пировардида касб эгасини албатта ўзи қутаётган роҳатга мушарраф қилади.

Андижонлик пахтакорлар ўтган ва ундан олдинги йилларда қўллаб, самарасини ўз кўзлари билан кўрган-чигитни плёнка остига экиш усули бу йил бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилди. Қатор туман ва хўжаликларда янги тажриба асосида ерга қадалган барака уруғини аллақачонлар бир текис ундириб олишга эришилди.

Пойтахт вилояти далаларида ҳам бу борадаги ялпи саъй-ҳаракат қизғин тус олдиришмоқда. Барча туман хўжаликларида мослаштирилган сеялкаларнинг юксак унум билан ишлаши таъминланмоқда. Янги усул бўйича малакали мутахассислар экиш ишларини мунтазам назорат қилиб бормоқдалар. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур тадбир вилоятда кўп машаққат билан утмоқда, об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши, муттасил давом этган ёғингарчилик экишни бирмунча орқага суриб юборди. Бундан ташқари кўп жойларда ер ҳолати тажриба талабларига тўлиқ жавоб бермади. Натижада тупроқни лозим ҳолда майинлаштириш ва экин майдонларини мўлжалдаги текис ҳолатга келтириш учун ерга 7, айрим жойларда эса 8 маротабагача мола босишга тўғри келди. Умуман олганда, мавсум давомида шу нарса аниқ бўлдики, бу усулда чигит экиб, ҳосил етиштириш учун ерларни куз фаслидан бошлаб экишга тайёрлаб бориш тақозо қилинар экан. Сабаби плёнкани эгатлар устига тўғри ва текис тўшалиши учун энг аввало тупроқни ўта майинлаштириш ҳамда кесакларнинг бўлмаслигига эришиш лозим. Албатта, баъзи бир нуқсонлар пахтакорлар учун сабоқ бўлди. Экиш жараёнида учраётган қийинчиликларни ҳар қандай янги тажрибани қўллашда албатта юз берадиган оддий ҳодиса сифатида узрли сабабларга йўйиш менимча адолатдан. Булардан қатъий назар, кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмоқда. Ҳозиргача вилоят бўйича янги усул учун ажратилган 12 минг гектар майдоннинг қарайиб 70 фоизига барака уруғи қадалди. Бу борада айниқса Пискент, Бекобод, Бука ва Ўрта Чирчиқ туманлари тезкорликка эришдилар. Мазкур туманларда чигитни плёнка остига экишга барвақт киришилганлиги туфайли, уруғ ўз вақтида ернинг тиббий намига бир текис ундириб олинди. Бошқа туманларда ҳам амалдаги натижа ёмон эмас.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Андижонликлар усули бўйича вилоят пахтакорлари дастлабки натижага эришдилар: чигит мўлжалдаги кўпгина майдонларда ундириб олинди. Хўш, энди, бундан буёнга жараён қандай давом этади? Вилоятнинг Оққўрғон тумани пахтакорлари амалга ошираётган ибратли ишлар бу саволга етарли жавоб бўлади. Туманда бу йил янги тажриба бўйича 1800 гектар ерга барака уруғи қадалди.

Бу дегани қарайиб барча хўжаликларда янги усул синаб кўрилади. Шу кунларда бир текис ундириб олинган ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов беришга ҳозирлик кўрилмоқда. Бундай усул биринчи марта қўлланилаётганлиги боис тумандаги плёнка остига чигит экилган ҳамма ерлар «тажриба участкалари» деб эълон қилинди. Шунинг учун бу майдонлардаги ишлар туман ҳокими, шахсан Абдуғани Деҳқонбоевнинг назорати остида амалга оширилмоқда. Чунки плёнка остида ундирилган ғўза ниҳолларнинг парвариши очиқ майдонлардаги ғўза парваришидан тубдан фарқ қилади. Масалан, тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги янги усулни синаб кўриш учун алоҳида бригада ташкил этди. Талаббой Иброҳимов раҳбарлик қилаётган мазкур бригаданинг мавжуд 80 гектар ерининг ҳаммасида плёнка остида ҳосил етиштирилмоқда. Бригадир ҳам, механизаторлар-Асадбой Абдалиев ва Аҳмад Садрихоновлар ҳам янги усул бўйича ишлаш тажрибасини ўзлаштирганлар. Чигит экиш давомида ҳар гектар ерга тавсия бўйича 55 килограммдан плёнка уруғ сарфланди. Ҳар гектар ерга 400 килограммдан минерал ва 3 тоннадан маҳаллий ўғит солишга эришилди. Экиш ишлари бир ҳафта давом этди. Мавсум юксак уюшқоқлик билан амалга оширилганлиги боис оз ишчи кучи иштирок этди. Дала бошида хўжалик ҳисобидан иссиқ овқат, чой ташкил этилди. Бугун плёнка остига экилган чигит бир текис униб чиққан. Иш аниқ ҳисоб-китоб асосида амалга оширилганлиги туфайли ҳозирданоқ баъзи рақамларни бемалол тахлил қилиш мумкин. Жумладан, бир гектар майдонда 180 минг уя бор. Бу 180 минг туп кўчат дегани. Хўжалик бошқаруви янги усулнинг иқтисодий томонларини ҳам ҳисоблаб чиқди. Жамоа қанчалик илғор бўлмасин, ҳозиргача очиқ майдонларга экилган пахтанинг ҳар гектаридан 30 центнерга етар-етмас ҳосил олиб келган. Плёнка остида етиштирилган пахта парваришида баъзи қўшимча меҳнатга ҳожат қолмайди. Энг муҳими, ҳосил барвақт етилиб, ёғинсочинга қолдирилмасдан мўътадил об-ҳаво шароитида териб олинади. Бу эса пахтани энг юқори навларга топшириш имконини беради. Демак, ҳар гектар ердан ўртача 40-45 центнердан ҳосил олинганда ҳам сарф ҳаражат юз фоиз қопланиб, олинадиган даромад очиқ майдонда етиштирилган пахта даромадидан 1,5-2 баравар юқори бўлади.

Шуни ҳисобга олиб бошқа жойлардаги каби янги усул бўйича пахта етиштиришда вилоят ҳокимлиги тавсиясига кўра оилавий пудрат шаклини қўллашга ўтилди. Мавжуд 80 гектар майдондаги ғўза деҳқончилик сир-синоатларини яхши биладиган 43 та оилага имкониятига қараб, шартнома асосида бўлиб берилди. Деҳқонлар ёзма равишда ўз зиммаларига олган мажбуриятда ҳосил тақдирига тўлиқ жавобгарлик белгилаб қўйилган. Ҳар бир пудратчи учун бир гектар ғўза парваришига ҳар ой 1740 сўмдан иш ҳақи тўлаб борилади. Пахта йиғим-терими мавсумида белгиланган иш ҳақи 4000 сўмга кўтарилади. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик бошқаруви ўз имкониятларини чамалаб кўриб, янги усул бўйича етиштириладиган пахта ҳосили учун бир гектарга 16 минг сўм иш ҳақи ажратган.

— Биз мазкур янгилик учун маблағни аямаймиз дейди, — жамоа бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Ниёзов. Чунки чигитни плёнка остига экиш синовдан ўтиб, амалда юксак самара берганлигини биламиз. Бу йилнинг келажаги бор. Истиқболда босқичма-босқич юз фоиз мана шу усулда деҳқончилик қилишга ўтамиз.

Дарвоқе, бу гаплар фақат бир хўжалик раҳбарининг фикрлари эмас. Вилоят бўйича янги усулда деҳқончилик қилаётган ҳамманинг азму қарори шундай.

Иброҳим ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИ

Термизда 23 миллат вакили яшайди. Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси деб аталмиш бу кўхна шаҳарнинг қисмати оғир кечди. Афғонистон уруши туфайли у ўн йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ҳарбий «полигон»га айлантирилди. Қурилишлар тўхтаб қолди, тарихий обидаларга эътибор бўлмади, охироқибат Термиз ўз кўркини йўқотди.

Истиқлол шарофати билан бу ерда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари жонланиб кетди. Замонавий уйжойлар, маъмурий бинолар, саломатлик масканлари, қўшма корхоналар қурилди ва қурилмоқда. Кўҳна шаҳар қиёфаси жозиба бахш этмоқда.

Ҳар бир инсон 1997 йил инсон манфаатлари йили деб белгиланганлиги замирида қандай маъно мужассамлигини яхши англамоғи жуда муҳим. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 26 февралдаги мажлисида таъкидланганидек, Ўзбекистонда илғари ҳам, яъни бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, уни қуллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқ асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига катта аҳамият бериб келинган. Аммо чора-тадбирлар кўп ҳолларда тарқоқ бўлиб, уларга муайян, лекин айни замонда ўтиш даврининг ўткир ижтимоий масалаларини юмшатишга хизмат қилувчи алоҳида вазифалар сифатида қаралган эди. Энди эса инсоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар мувофиқлаштириб олиб бориляпти.

Биз барча ҳаракатимиз, амалий ишларимиз билан одамларни мунтазам ишонтириб боришимиз керакligини яхши англаяпмиз. Боиси, ислоҳотлар жараёнида фақат уларнинг узлари фаол иштирок этган тақдирда, ҳар бир фуқаро жонини жабборга бериб ишлагандагина кузлаган мақсадга эришиш мумкин.

Бунёдкорлик дастури туфайли қадимий ва навқирон Термизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Кўча ва хиёбонлар ободонлашмоқда. Шу йилнинг ўзида кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, шарқона услубдаги замонавий бинолар кузни қувонтиради. Қатор кўчалар таъмирлангач жозиба бахш этди, болалар шифохонаси, ажойиб Теннис корти қурилди. Марказий «Алпомиш» уйингоҳи шарқона кўринишга эга бўлди.

Бунёдкорлик ишлари изчил давом этаяпти. Яқин вақт ичида троллейбус қатнови йўлга қўйилади. Мукаммал лойиҳа асосида «Бизнес марказ» бунёд этиляпти. Шунингдек туғруқхона, етоқхоналар, вилоят касалхонасининг жарроҳлик бўлими учун замонавий бино қад ростлмоқда. «УзДЭУ» корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомашиналарни сотиш учун замонавий махсус бино, ёпиқ бозор ҳадемай фойдаланишга топширилади.

Ҳаётимиз ниҳоятда жўшқин кечаётганлиги, ўзгаришлар кўлами кенгайиб бораётганлигини қўйидаги мисолдан ҳам кўриш бўлади. Агар 1995 йилда капитал қурилиш учун молиялаштирилган барча манбалар ҳисобидан 183,7 миллион сўм сарфланган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 427,7 миллион сўмни ташкил этди. Шаҳарни ободонлаштиришда 6,1 миллион сўмлик иш бажарилди. 35 минг квадрат метр ҳажмдаги кўча ва хиёбонларга асфальт етқизилди.

Ўлкамизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг ошиқчалиги, ривожланган қишлоқ хўжалиги ва хом аше базаси, қолаверса халқимизнинг турмуш, тафаккур тарзи кичик ҳамда оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада кенг ривожлантиришни тақазо этади. Ҳозирда Термизда 800 та кичик ва хусусий, 25 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардаги ишчилар сони тобора кўпаймоқда. Кези келганда мустақиллик туфайли хотин-қизлар учун янги имкониятлар, имтиёзлар яратилганлигини таъкидлаш жоиз. Шаҳардаги 108 минг кишидан 55 мингги саодат соҳибаларидир. Мавжуд мактаблар, 40 та болалар боғчаси, 8 олий ва ўрта махсус билим юртларида, корхона, ташкилотларда ҳамда мингдан ортиқ тадбиркорлик тизилмаларида улар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг фаолияти янгича талаблар асосида такомиллашиб бормоқда. Уй бекаларини ижтимоий меҳнатга жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш, кўп болали оилаларга, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар диққатта сазовордир. Қадриятимиз бойиб бормоқда. Илм масканларида «Одобнома», «Маънавият дарслари» фанлари ўтилаётганлиги миллий мафкура асосларини ёшлар онгига сингдиришда муҳим омил бўлаяпти.

Бунёдкорлик дастури амалда

Термизликлар яна бир нарсани мамнуният билан таъкидлашмоқда: мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий замин яратилди. Муҳими, кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолияти воқеликка айланди. Муаммолар, баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб бошқарув фаолиятини янгича талаблар асосида такомиллаштиришга асстойдил ҳаракат қилаяптмиз. Президент фармонлари, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ иқтисодий ислоҳотлар негизи бўлмиш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Эндиликда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 90 фоизи нодавлат сектор ҳисобига тўғри келади. Ҳозирча 271 та хусусий корхона, 13 та ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида шаҳар «бизнес фонди» томонидан тадбиркор корхоналарга 18 миллион сўм атрофида имтиёзли кредитлар ажратилди. Халқ учун зарур бўлган маҳсулотларни Тошкент ва бошқа вилоятлардан олиб келишни иложи борича камайтириб, ўзимизни-ўзимиз эплашимиз кераклигини энди барча чуқур ҳис қилмоқда.

Муаммоларни ҳал этиш, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда муҳтарам Президентимизнинг халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида илгари сурилган қоида-хулосалар дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда. Биз иймону эътиқоди мустаҳкам, омма ўртасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган, қатъиятли, ташаббускор кадрларга суянган ҳолда фаолият юритяпмиз. Ахир, яхшининг қадрини халқ билади, халқнинг тақдирини мард билади, деган нақл бежиз айтилмаган.

Аҳолини иш билан тўла таъминлаш масаласига ҳар қачонгидан эътибор кучайган. Термиз шаҳри аҳолиси 108 минг кишидан ошди. Мақсадга эришиш учун хизмат соҳасини кенгайтириш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш пайида булиняпти. Меҳнат биржасига мурожаат этганлардан 519 кишига ижтимоий муҳофаза ёрдами кўрсатилди. 450 киши муқим иш билан таъминланди. Эътиборлиси шуки, «Бандлик» дастурига биноан шаҳар бўйича 1074 та янги ишчи ўрнилари яратиш мўлжалланганди. Амалда эса 1962 ишчи ўрни ташкил этилди.

«Кимки, қайси корхона ўзига чет эллардан шерик топмаган бўлса, унинг келажаги йўқ». Юртбошимизнинг ана шу сўзлари қўшма корхоналарга бўлган эътиборни ўн чандон оширди. **Ҳиндистон билан ҳамкорликка бунёд этилаётган «Сурхон-Атжанта» қўшма корхонасига катта умид боғланмоқда. Бу ерда 28 та цех қурилиши жадал олиб борилмоқда. Яқинда унинг дастлабкиси маҳсулот бера бошлади. Бу гигант корхона тўла ишга тушганида унда минг киши меҳнат қилади. Маҳсулотлар — турли дори-дармонлар хорижга ҳам экспорт қилинади.**

«Сурхонпластик» қўшма корхонаси Ирландия-Канада ҳамкорлигида қад ростлади. Ажойиб асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу масканда ниҳоятда харидоргир бўлган полиэтилен халталар ишлаб чиқарилаяпти.

Кичик хусусий корхоналар 853 та, «Пошхурд-Анжир ота», «Соҳибкор», «Термиз мозор» корхоналарининг маҳсулотлари кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Улар аста-секин чет эл тадбиркорлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишаяпти.

Эндиликда шу нарса равшанки, ҳар бир корхона технологияни зарур замонавий талаблар даражасида сақлаш учун доимий равишда «қаттиқ» валютага эга бўлиши керак. Уни шубҳасиз ўз маҳсулотини экспорт қилиш эвазига ишлаб топиш мумкин. Кескин рақобат шароитида ҳатто энг сифатли маҳсулотни сотиш учун ҳам маълум ва машҳур чет эл фирмаларидан шерик топиш зарур.

Экспорт имконятларини кескин оширишнинг муҳим омилларидан яна бири ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш ва четга тайёр маҳсулот чиқаришдан иборат эканлиги барчага маълум. Ҳозирча бизнинг бўш, анчайин заиф томонимиз ишлаб чиқаришда тугалланмаган технологик жараёнлар кўплигида. Республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам таъкидланганидек, мамлакатнинг улкан имкониятлари ана шу жойда кўринмаяти. Ута муҳим ишнинг уддасидан чиқиш учун Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш махсус давлат программаси ишлаб чиқарилажаги барчани қувонтирди. Экспортни ривожлантиришда катта натижаларга эришганларни ҳар йили миллий мукофотлар билан тақдирлаш мақсад қилинганлиги одамлар интилиши, ғайрат шижоатини янада оширди. Олдимизга қўйилаётган вазифалар бағоят масъулиятли. Улар нафақат барча имконятларни ишга солишни, балки бор кучимизни аямай сарфлашни, фуқаролик масъулияти ва бурчини тўла намоён этишимизни тақазо этади.

Ҳусан УМАРОВ,
Термиз шаҳар ҳокими.

КОРХОНА ҲИССАДОР, ИШЧИЛАРИ МУЛКДОР

Ғаллазорлар мавжи бўлакча. Бир томонда пленка остига экилган чигитларни унганига, яна бир ёнда эса ғаллазорлар ичида ондасонда бўй кўрсатган бегона ўтларни юлаётган деҳқонларга кузингиз тушади. Қўрғонтепа тумани пахтачилик ва ғаллачиликда ўзига хос ўрни билан ажралиб туради. Йилдан-йилга ҳосилдорлик сезиларли ортиб бормоқда. Бундай ривожланишни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш барчанинг муқаддас вазифаси эканлигини ёдга олиб барча фурсат ва имкондан фойдаланяпмиз. Бозор иқтисодиёти карвонлари ўз-ўзидан силжийвермайди. Мулкчилик, тадбиркорлик деган сўзларнинг мағзини чақиб, маъносига етиб иш юритишни тақозо этади. Аҳолини сифатли ун маҳсулотлари билан таъминлаш корхонамиз зиммасида. Ҳадемай, омборларга дон тўлади. Ҳўжаликлардан донни қабул қилишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Тегирмон ва бошқа цехларда таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ўтган йилги тажрибадан хулоса чиқариб, қабул пайтида мижозларга шароитни яхшилашни мўлжаллагандик. Мана, соатига юз тонна дон қабул қиладиган автоматлаштирилган мослама ва катта ҳажмдаги омборхона қурилиб мавсумга тахтланди. Ҳисобкитобларга қараганда, ҳар йили дон қабул қилиш миқёслари 10—12 минг тоннага ортмоқда. Маҳсулотнинг сифатига путур етказмасдан сақлаш ва уни қайта ишлаш ўта нозик, мураккаб юмушдир. Элеваторлардаги ишлар уч сменада ташкил қилинган. Юклаш ва тушириш тизимлари, тарозилар доимий техник кўрикдан ўтказилиб турилмоқда. Ўтган йили 46,8 минг тонна ун ишлаб чиқарилди. Буғдой донидан олинган уннинг миқдори оширилганлиги эвазига қўшимча 710 тонна ун ишлаб чиқаришга эришилди. Замонавий технологиядан фойдаланган ҳолда тажрибали ва малакали мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига салкам минг тонна буғдой тежаб қолинди.

Таннарх. Ишлаб чиқаришда тайёрланаётган маҳсулотларга кетадиган харажатларни имкони борича камайтириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш эвазига маҳсулот таннархини арзонлаштиришни мақсад қилганмиз. Бир йил аввал бир тонна ун ишлаб чиқаришга 129,2 киловатт-соат электр энергияси сарфлаган бўлсак, ҳозирда бу кўрсаткич 6,6 киловат соатга камайтирилди. Худди шундай мазут ёқилғиси сарфи, ичимлик суви ва иссиқлик энергиясининг тақсимотидаги исрофгарчиликларга ҳам чек қўйилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дон маҳсулотлари комбинати ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг одамларда меҳнатга ва мулкка бўлган муносабат кескин ўзгарди. Одамлар яхшироқ ишласа, даромадига барака киришига имонлари комил бўлди. Ишчилар нафақат ускуналарни, балки қимматли вақтларини ҳам эҳтиёт қиладиган бўлишди. Ўтган йили тўққиз минг тўқсон тўрт дона ҳар бири минг сўмлик акциялар тарқатилганди. Хуллас, ҳиссадорлар ўртасида мулкдор деган тушунча пайдо бўлганини ижобий баҳолаш мумкин. Янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ҳам ҳаракатлар кетмоқда.

1997 — Инсон манфаатлари йили

Жорий йилда аҳолини нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаб эҳтиёжларини қондириш мақсадида Қорасув ва Қўрғонтепа шаҳарларида «Винклер» технологияси асосидаги кичик новвойхоналар ишга туширилди. Уларда бир кунда 13,4 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати мавжуд. 12 турдаги нон маҳсулотлари меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Новвойхоналар қошида савдо шохобчалари узлуксиз мижозлар хизматида. Ўнлаб кишилар иш жойига эга бўлиб, яхшигина ойлик маошларини олиб турибдилар. Ўттиз икки ярим миллион сўм соф фойда. Бу ўтган йилнинг якуний ҳисоб-китоби. Демак, ҳиссадорларнинг меҳнатлари зое кетмабди. Ўртача иш ҳақлари ҳам. Рентабеллик даражаси ортди.

Бу йил Президентимиз ташаббуси билан Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганлиги ҳар биримизнинг зиммамизга катта вазифалар юклади. Албатта, меҳнаткашларга тегишли иқтисодий ва ижтимоий имкон яратиб бермас эканмиз, унинг кучидан тўлиқ фойдаланолмаймиз. Меҳнаткаш манфаатини ҳимоя қилсак, у ҳеч қачон қарздор бўлиб қолмайди. Нархини эллик фоизга арзонлаштириб беш тоннаю тўрт юз йигирма килограмм гўшт тарқатилди. Икки минг саккиз юз эллик тўрт килограмм гўшт ва сут маҳсулотлари текинга берилди. Кечки сменадаги ишчиларга бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Болалар боғчасини мўътадил ишлаб туришини таъминлаб туриш учун икки миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Мусулмончиликда тўй ва маъракаларни ўтказишнинг муаммолари ўзингизга маълум. Бир йилнинг ўзида етмиш нафар ишчи-хизматчиларимиз тўй қилдилар. Ишқилиб тўйларга отказаверсин. Уларга корхона ҳисобидан икки юз ун минг сўм тўёна қилинди. Барча хайрия қилишга одатланмоғи, муҳтожларга чин кўнгилдан мурувват қўлларини чўзмоғи ҳам қарз, ҳам фарз. Ногиронлар уйига эллик беш минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Кадрларни қайта тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини оширишга бефарқ қараб бўлмайди. Ахир, замонавий ускуналарда замонавий мутахассис ишлаши керак-ку! Ўз касбини чуқур биладиган, янгича фикрлайдиган ва бозор иқтисодиётининг талабларига жавоб берадиган мутахассисларни қайта тайёрлаш доимо диққат-эътиборимизда. Қўйилган вазифалар катта. Булар биздан нафақат барча имкониятларимизни ишга солишга, балки бор кучимизни ҳам аямасдан фуқаролик масъулиятини намойиш этишимизни тақозо этади. Бутун куч-ғайратини корхона иқтисодий фаолиятини ривожлантиришга сарфлаш учун ҳиссадорларнинг азму қарори. Яхши ният, мустаҳкам эътиқод билан ҳаракат қилсаккина хирмонларимиз донга, дастурхонларимиз ширин нонга тўлаверади. Ҳа, водийда «Қўрғонтепа уни»нинг довруғи бор. Шундай шарафли номни оқлаш учун сидқидилдан меҳнат қилаверамиз.

Абдуллажон МИРЗАБОЕВ,
Қўрғонтепа дон маҳсулотлари ҳиссадорлик-жамияти бош муҳандиси.

МЎЙНАСИ НОЁБ

Жалолқудуқ туманида «Конимех» деҳқон хўжалигини ташкил этган Ўринбой Қодиров мўйнадан телпак ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйган. Фермер нутрий боқиш билан шуғуллана бошлади. Бу ҳайвон йилига 15 мартагача болалаб, сифатли мўйна ва парҳез гўшт манбаи ҳисобланади. Ҳар бир нутрий кунига 2 килограмм кўк ўт ва омихта ем талаб қилади. Бу — қорамолга бериладиган озуқанинг ўндан бир қисми, холос.

Ўринбой Қодиров дастлаб 10 бош нутрий келтирган эди. Ҳозир уларнинг сони 150 тадан ошиб кетди. Фермер ҳайвонлар учун кўкпоя етиштириш мақсадида бир ярим гектар ерни ижарага олди. У икки йил ичида мўйнали ҳайвонлар сонини беш мингтага етказиб, тери ошлаш ва мўйнали буюмлар ишлаб чиқариш цехларини очмоқчи бўляпти.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Бешариқ туманидаги «Рапқон» жамоа хўжалигида 1991 йил кичик консерва цехи ишга тушганди. Айни чоғда цех хўжаликда етиштирилган хилма-хил меваларни қайта ишлаб харидорларга тортиқ қилмоқда.

СУРАТДА: цех бошлиғи Маъруфжон Нурматов тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кечирмоқда.

Ҳ. МЕЛИБОЕВ олган сурат.

ПАЙЧИ ҚУДРАТЛИ ТЕХНИКА СОҲИБИ

Боғдод машина-трактор парки тажрибасидан

Юртбошимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадал амалга ошириш ва деҳқончиликни тез ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Машина-трактор парклари ташкил этиш ва мавжудлари самарадорлигини оширишга қаратилган қарор ҳам шу ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир.

Боғдод туманида бундан беш йил бурун тажриба тариқасида ташкил қилинган машина-трактор парки эндиликда ўзини тўла оқламоқда. Мавжуд қишлоқ хўжалик техникасини марказлашган ҳолда таъмирлаш, уларга зарур эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, ёнилғи-мойлаш омборлари ижарага олингани, деҳқонларга, хусусий фермерларга шартнома асосида хизмат кўрсатилаётганлиги яхши натижалар бермоқда. Паркнинг 6 та «КЕЙС-2166»» комбайни ва 2 та «Магнум-7240» ҳайдов трактори билан таъминланганлиги иш унумдорлигини оширди.

Фарғона вилоятида деҳқонларга намунали хизмат кўрсатаётган ушбу корхонадаги илғор иш усулларини сўзлаб беришни парк бошлиғи Шокиржон Солижоновдан илтимос қилдик.

— Жамоамиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини соҳа ходимларига катта ғамхўрлик деб, кутаринки руҳда қабул қилдилар, — дейди Ш. Солижонов. — Қарорда машина-трактор паркларини ташкил этиш, уларни акционерлик жамиятига айлантириш, айланма маблағларини тўлдиришга 1997 йилда республика бюджетидан 1.314 миллион сўм ажратиш, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитасининг 1997 йил бюджетига қайтарадиган 685 миллион сўм қарзидан озод қилиниши катта моддий ҳимояланиш саналади. Эндиликда янги қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олишга, парклар таркибида ихтисослашган бўлимлар ташкил этилишига имкон туғилмоқда. Қарорда кўзда тутилган вазифалар бизнинг паркда изчил амалга оширилган.

Айни пайтда МТП жамоаси Боғдод туманидаги 14 та жамоа хўжалигига, 20 дан ортиқ шахсий ва ҳиссадорлик фермер хўжаликларига техника хизмати кўрсатмоқда. Хўжаликлардаги барча таъмирлаш устахоналари, гараждлар, ёнилғи омборлари асбоб-ускуналари билан бирга ижарага олинган, қишлоқ хўжалик техникасида меҳнат қилаётган 1733 нафар механизаторлар, муҳандислар, механиклар, созловчилар шартнома асосида бизда ишлайдилар ва маош оладилар.

Собиқ «Узсельхозтехника»дан бизга қолган таъмир ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти аъзолари муҳандис Мухторжон Турғунбоев раҳбарлигида тракторлар моторини таъмирлаб, энг зарур қисмларни тайёрлаб, эскиларини тиклаб бермоқдалар. Улар ўтган йили 1 миллион 135 минг сўмлик деталларни қайта тикладилар, 2 миллион 325 минг сўмлик янги эҳтиёт қисмлар ясашди, 1256 минг сўмлик бошқа турдаги техника хизмати ишларини бажаришди, 340 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, 50 дан ортиқ трактор, 70 та «Д-144» двигателлар таъмирланди.

Баҳорги экиш мавсуми олдида пленка остига чигит ташлайдиган 17 та янги сеялка, 10 та пушта устига экадиган, 12 та мослаштирилган сеялкалар ясаб беришди. Ерларни кузги шудгорлаш олдидан плугларга зарур қисмлар ишлаб чиқарилди. Таъмирлаш ва ишлаб чиқариш устахоналари жамоаси ўтган йили 6 миллион 493 минг сўм соф фойда олди, рентабеллик 26,1 фоизни ташкил этди.

1997 йилнинг биринчи чорагида режадаги 2.700 минг ўрнига 3.222 минг сўмлик техника қисмлари ишлаб чиқарилди. Қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш, созлаш ва янги қисмлар ишлаб чиқаришда темирчи Ғофуржон Мамажонов, созловчи Собиржон Сакинаев, Тухтасин Каримов, ёнилғи насосларни созловчи уста Жума Ҳамдамов, пайвандчи Эргашали Қосимов, чиланғар Маъмуржон Соҳибназаров, моторчи Мадаминжон Муҳаммадалиев, Иброҳим Эркаев аҳиллик, фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Таъмирлаш ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти пайчилари сотиб олган акцияларига мумайгина даромад олмоқдалар. Дастлабки, 1995 йили ҳар юз сўм акцияга 141 сўм 07 тийиндан дивиденд ҳисобланган бўлса, ўтган йили ҳар юз сўм акцияга 151 сўм 04 тийиндан жами 369.711 сўм дивиденд тўланадиган бўлди. Моддий манфаатдорлик юқорилашган сари пайчилар бир ёқадан бош чиқариб, ташкилотнинг иқтисодиётини ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилаётирлар.

Навбатдаги муҳим вазифалардан бири, пайчилар сафини ошириш учун парк таркибига кирувчи барча жамоаларни бирлаштириб, очиқ турдаги давлат акционерлик жамияти ташкил этишдан иборат.

Машина-трактор парки жамоаси даладаги қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда ҳам деҳқонга ҳақиқий мададкор, яқин қўмакдош бўлаётир. «Магнум» трактори ҳайдовчиси Мирзоҳид Маҳкамов кузда Боғдод, Риштон, Ёзёвон, Данғара ва Бувайда туманлари ҳудудида 3479 гектар майдонни сифатли шудгорлаб берди. «КЕЙС» комбайнчилари ўтган йили вилоятдаги еттита туманга хизмат қилиб, 4033 гектар майдоннинг ғалласини ўриб, янчиб топширдилар.

Боғдод туманидаги йигирмага яқин шахсий ва ҳиссадорлик фермер хўжаликларига 833.664 сўмлик сервис пулли хизмати кўрсатилди. Парк жамоаси 1996 йили хўжаликларда режадаги 210 миллион ўрнига 220 миллион 76 минг сўмлик қишлоқ хўжалик юмушларини бажариб берди. Бу соҳадан олинган фойда 37.014 минг сўмга етди. Шартнома асосида бажарилаётган ишларнинг энг қийин томони шундаки, хўжаликлар ҳисобида ҳар доим пул бўлавермайди, дебитор қарзлари кўпайиб қолди. Қарзларнинг ўз вақтида тўланмаслиги оқибатида янги техника, ишлаб чиқариш дастгоҳларини харид қилиш қийин бўлмоқда.

Излаган имкон топар, деганларидек, иқтисодий камчиликлар бўлса ҳам, ишчи-хизматчиларни самарали меҳнат қилиши учун МТП маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ғамхўрликни кучайтирмоқда, меҳнаткашларнинг дам олишларини яхши ташкил этилишига мунтазам ёрдамлар бераётир.

Ишчиларга ҳар куни 2 та автобус хизмат кўрсатади. 4 та машина далада ишловчиларга иссиқ овқат ва зурур эҳтиёт моллар ташийди. Ҳар чорақда илғорлар мукофотланади. Кўрсатилаётган ғамхўрлик жамоанинг меҳнат фаолиятини ошириб, корхонага бўлган садоқатини мустаҳкамламоқда.

Машина трактор парки жамоасининг кўрсатаётган хизмати ҳақида туман хўжаликлари раҳбарларининг фикрини сўрадик.

— Парк ишчилари шартномадаги вазифани беминнат бажаришяпти, — дейди «Мирзаобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Баҳодиржон Муродов, — шу жиҳатдан жуда қулай. Агар машина-трактор парки бўлмаганда, ҳамма ишни бир четга қўйиб эҳтиёт қисмлар ахтарардик. Ҳозир 8 та трактор, 2 та пленка остига чигит экадиган, 7 та оддий усулда уруғ ташлайдиган сеялкалар бенуқсон ишлаяпти. 72 гектар ерга Андижон усулида, 300 гектарга оддий усулда чигитни барвақт экиб бўлдик. Экиш мавсумини қисқа фурсатда муваффақиятли ўтказишимизда парк мутахассислари, созловчилари, механизаторларининг хизмати бениҳоя катта. Пахтадан ташқари 235 гектар майдонда ғалла, 17 гектарда беда, 5 гектарда сабзавот экинлари парваришламоқдалар. Булар парвариши ва ҳосилини йиғиб-териб олишга парк жамоаси ёрдам беради.

Машина-трактор паркининг самарали ишлари ҳақида «Ўзбекистон» ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари раислари Абдураҳим Ботиров, Нўъмонжон Жамолиддиновлар ижобий фикрлар билдиришди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустамжон Қодиров хўжаликларда ҳар куни 70 та агрегат унум билан ишлаб, 3000 гектарга Андижон технологияси усулида, 2000 гектарга пушта устига, 3960 гектар майдонга оддий усулда чигит экиб бўлинганлигини қувониб гапирди. Бу ишда машина-трактор парки механизаторларининг меҳнати мақтовга лойиқдир, деди у.

Хуллас, қишлоқ ҳаёти тақозо этган бу қарор, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга катта ёрдам бераяпти, паркларнинг қишлоқ хўжалигига техника хизмати кўрсатиши самарадорлигини оширишга омил бўлаяпти.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

МЕҲР-САХОВАТ ДОИМО КЕРАК

Тоғлар бир-бирига суяниб юксалади, чўққилар бири иккинчисига елка тутиб салобат бахш этади, қалблар қалбларга туташгандагина меҳр-муҳаббат пайдо бўлиб, инсон енгилмас кучга, мустаҳкам қалъага айланади. Халқаро «ЭКОСАН» жамғармасида бўлиб ўтган ҳаракатдаги саломатлик поездининг навбатдаги сафар якунларига бағишланган йиғилишда ўтирибману хаёлимдан шу сўзлар ўтаверади. Ҳақиқатдан ҳам меҳр — қалб чироғи. У ташриф буюрган қулбалар эзгуликдан ёришиб, қалбларда умид учқунлари, ҳаётга муҳаббат туйғулари туғён уради.

Саломатлик катта бойлик

Саломатлик поезди раҳбари, тиббиёт хизмати полковниги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тиббиёт бўлими бошлиги Акбар Қаюмов шундай деди:

— Инсон манфаатлари йўлида ҳазрати инсонга хизмат қилишни энг олий мукофот деб билган эзгулик карвонимизнинг 25 нафар сарбонлари — юқори малакали мутахассислар Навоий вилоятида 2250 нафар беморга тиббий маслаҳат, даволаш-муолажа хизматларини кўрсатдилар. Улар икки ҳафта давомида Зарафшон шаҳрида, Учқудуқ туманидаги «Авангард», «Дўстлик», «Узбекистон 40 йиллиги», «Бахтау», «Мингбулоқ», «Учқудуқ» ҳиссадорлик жамиятларида, Томди туманидаги Қизилқудуқ», «Мурунтов, «Томдибулоқ» бекатларида бўлишди. Мутахассисларнинг алоҳида гуруҳи эса Қизилтепа, Навбаҳор, Навоий, Нурота, Хатирчи туманларидаги касалхона ва туғруқхоналарда ишлашди. Улар ҳар дақиқани олтинга тенглаштириб, сидқидилдан муолажа қилдилар, баъзан тунлари юришга, ишлашга ҳам тўғри келди. Шуни алоҳида мамнуният билан айтишни хоҳлардимки, биз қаерда бўлмайлик, кишилар зўр ҳурмат, ҳатто нону туз билан қаршилашди.

Касалликларнинг олдини олиш, ўз вақтида муолажа ишларини ташкил этиш учун саломатлик поезди қатнашчилари жойларда семинар-машғулотлар уюштирдилар. Шаҳар ва қишлоқлардаги тиббиёт ходимлари билан 30 дан ортиқ машғулотлар ўтказилди. Баъзи бир оғир касалларни даволаш учун Тошкент шаҳридаги касалхоналарга йўлланмалар берилди.

Саломатлик поезди аҳолига фақат тиббий хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолгани йўқ. Балки кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга, шикаста қалбларга, муҳтож касалларга, аёллар ва болаларга, тиббиёт муассасаларига 5 миллион сўмлик инсонпарварлик ва саховат ёрдами кўрсатилди.

— Оила саломатлиги, қолаверса, миллат саломатлиги аёлларга боғлиқ, — деди Тошкент давлат тиббиёт институтининг акушер ва гинекология кафедраси ассистенти Элдор Холиқов — Негаки, соғлом онадангина соғлом бола туғилади. Демак, баркамол авлод учун аввало аёлни, онани асраб-авайламоғимиз керак. Аммо Учқудуқ туманининг «Авангард», «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятларида аёлларга етарлича меҳру мурувват кўрсатилмаяпти. «Авангард» совхозининг 1-2-3 бўлимларида тиббий хизмат кўрсатиш ночор аҳволда. «Тез ёрдам» машинаси вақтида етиб келмайди.

Учқудуқ туманида фаолият кўрсатаётган аксарият шифокорлар эскича услубда беморларга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг билим ва малакасини ошириш даркор.

Шунда шикаста қунгилларга кўпроқ қувонч ингай. Зеро, эзгулик йўли — мустақил Ўзбекистонимиз сиёсатидаги бош мезондир.

Амина ҚОДИРОВА.

Чорвачилик аграр соҳанинг муҳим тармоқларидан. Қибрай туманидаги «Искандар» бўрдоқичилик жамоа корхонаси чорва маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор бераяпти.

Ҳозир бу ерда хўжаликлардан шартнома асосида келтирилган 600 бош қорамол боқилмоқда. Жониворлар рацион асосида парваришланганлиги боис, кунлик семириши режадагидан зиёд бўлаяпти.

Суратда: тармоқни юксалтиришга кўп йиллардан буён ҳисса қўшиб келаётган механизатор Бекзод Шоҳбозов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ПИЛЛА МУАММОСИ

Наманган вилояти пиллачилари бу йил чет элдан келтириладиган уруғдан қолишмайдиган 10 минг қути қурт уруғи тайёрламоқчи бўлишяпти. Тўғри, бу — пиллачиларга тарқатиладиган уруғнинг ҳаммаси эмас. Яна шунча миқдордаги уруғ Италиядан келтирилган. Хуллас, бу йил Наманганда пилла сифатли бўлиши кутилмоқда.

Ҳозирча вилоят хўжаликларида ипак қурти боқиш мавсумига тайёргарлик ишлари тугалланмоқда. Мавсум жуда тиғиз бўлиши кутилмоқда ва уни барвақтроқ бошлаш режалаштирилган. Бу йил ўтган йилдагидан 200 тонна кўп, яъни 2600 тонна пилла етиштирилади.

Наманганда пилла етиштириш бундан кейин ҳам кўпайтирилавради. Шу мақсадда тутзорлар кенгайтирилмоқда. Бу ернинг ўзидагина бир ярим миллион тупдан кўпроқ тут кўчати ўтказилди. Вилоятда кўмир, қоғоз, пилла етиштириш учун зарур бўлган бошқа материаллар етарли миқдорда тайёрлаб қўйилган.

Апрель ойининг учинчи ўн кунлигида ипак қуртини тарқатиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда пиллачиларга уларнинг келгусида оладиган иш ҳақидан бир қисми бўнак сифатида берилади. Вилоят ипакчилик бошқармаси ва «Хонатлас» акционерлик компанияси пиллачилар етиштирган пилла ҳақини хўжаликлар билан тузилган шартномада кўрсатилган муддатда тўла ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олган.

Вилоят пиллачилик бошқармаси бошлиғи Турғунпўлат Ҳамробоевнинг гапига қараганда, бу йилги мавсумда пиллачи мутахассислар хорижий технология асосида ипак қуртининг янги зотини етиштириш билан шуғулланади. Демак, бир неча ўн йилдан буён фойдаланиб келинаётган маҳаллий ипак қурти зоти янгиланади. Бу эса, келгуси йилда вилоят пиллачилари анча сифатли ва юқори ҳосил берадиган ипак қуртининг хоридждан келтирилган зотлари уруғи билан етарли миқдорда таъминланади, демакдир. Пиллачилик бошқармаси вилоят ҳокимлиги ёрдамида ипак қурти уруғи етиштирадиган қўшма корхона ташкил этиш масаласини ўрганмоқда. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши Наманган пиллачиларига вилоят ва бутун минтақанинг сифатли қурт уруғига эҳтиёжини таъминлабгина қолмай, уни чет элга экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Н. ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.

«Қишлоқ ҳаёти» кўнгилларга ором ва қувонч тилайди

ДУШАНБА, 21 ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 21 апрель, душанба куни ЎзТВ 1 кўрсатувлари соат 17.55 да бошланади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Узбекистон — Америка: ҳамкорлик йўлида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 «Сиёсат оламида».
22.05 «Бу оқшом...»
22.35 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Компьютер-Осиё».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.20 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
24.00 — 00.10 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.

*

17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Кругозор». Тележурнал.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Уч қочоқ». Бадиий фильм (АҚШ).
23.05 «Сумалак». Телефильм.
23.20 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Қунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Сўз — сизга».
19.50 «Авторейд».
20.00 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
20.10 «Қулги асло қаритмас».
20.40 «Аёл».
21.10 «Спорт-тайм».
21.40 «Севги, бу...» В. Пресняков.
21.55 Эълонлар.
22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Зарафшон». Ҳужжатли фильм.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Компьютер сабоқлари».

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Узбекистон тарихи.

*

12.00 «Қотиллик пайда». Бадиий фильм. 6-серия.
12.55 «Алпомиш авлодлари». Кураш.
13.20 «Эҳкичанинг шохи ўсди». Мультфильм.
13.30 Узбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.00 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муқимий номидаги Узбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. I-қисм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қунироқча».
18.30 «Спорт, спорт, спорт».
18.55 Орзиқул Эргашев. «Ёз кунларининг бирида». Теленовелла.
19.05 «Маънавият». Оҳанглардан таралган меҳр.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳаёт синовлари». 3-кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси олдидан.
21.20 «Маънавият». «Муножот». Берта Давидова қуйлайди.
22.05 «Замон».
22.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Хайр, ширин орзулар». Бадиий фильм. 1-серия (Покистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 ТВ плюс...
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
22.55 «Авлодимиз».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.40 «Акс».
24.00 ТВ плюс...
00.15 — 00.25 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Оҳ, малика», «Хризантемалар боғи». Мультфильмлар.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
22.40 «Нақшлар оҳанги», «Матодаги мўъжиза». Телефильмлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.20 Эълонлар.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Америкага бир назар».
20.40 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.15 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.30 «Игротека+оила».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 «ТВ IV да — «Немис тулқини».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Маънавият». «Муножот». Берта Давидова куйлайди.
9.10 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Ҳаётимсан, футбол».
9.35 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 «Ассалом, япон тили!».

*

11.40 «Ялқов». Мультфильм.
11.50 «Иқтидорлар — юрт таянчи». Республика иқтидорли болаларнинг VI слёти.
12.10 «Соат занг урар экан». Бадиий фильм.
13.25 Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.20 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муқимий номидаги Узбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу еруг оламда Ватан битталар...».
18.15 «Диёр». Тележурнал.
18.35 «Катта танаффус» янгиликлари.
18.55 Дилнавоз садолар.
19.05 «Қалқон». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». Мусиқа ва замон.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Автоолам» тақдим этади: «Асакадан хабарлар».
21.55 «Сир».
22.05 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.20 «Табаррук қадамжолар». Авлиё ота мажмуаси. VIII аср.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10—00.20 Кундалик.

III
17.10 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17,15 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 6-серия.
22.45 С. Ротару куйлайди.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Қунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Азизим».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.35 «Таклифлар ва ташрифлар».
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 Экстремал ўйинлар.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 24

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Диёр». Тележурнал.
8.55 «Иқтисодиёт қорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ стадионларида».

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Умумий биология.

*

11.30 «Ишбилармон».
11.50 «Ёшлар билан...» Ёшларнинг Халқаро бирдамлик кунига бағишланади.
12.15 «Туркистон — умумий уйимиз».
12.40 Мумтоз қўшиқлар.
13.10 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Омонлик тилаймиз».
18.40 «Катта танаффус».
19.05 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида.
22.00 «Иймон».
22.10 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Хайр, ширин орзулар». Бадиий фильм. 2-серия (Покистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

*

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Компьютер — Осиё».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Олтин кент».
10.35 «Авлодимиз».
10.50 «Акс».
11.10 «Қунгил қунгилга пайванд».
11.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.00 «Дунё буйлаб».
12.50 — 14.30 «Кинонигоҳ».

***

18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 «Ором онлари».
19.25 Эълонлар.

Ойнаи жаҳонда

21 — 27 апрель

нинг спектакли. 2-қисм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу еруг оламда Ватан битталар...».
18.15 «Диёр». Тележурнал.
18.35 «Катта танаффус» янгиликлари.
18.55 Дилнавоз садолар.
19.05 «Қалқон». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Автоолам» тақдим этади: «Асакадан хабарлар».
21.55 «Сир».
22.05 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.20 «Табаррук қадамжолар». Авлиё ота мажмуаси. VIII аср.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 «Ханда дукони».
23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55 — 00.05 «Даракчи».

III
17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Бухоро зардўзлари». Телефильм.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Футбол. Кубок эгалари кубоги. Ярим финал. «Фиорентина» (Италия) — «Барселона» (Испания).
23.25—23.30 Янгиликлар.

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Қунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Рангинкамон».
19.55 «Умид чечаклари».
20.25 «Латофат».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.35 «Қанотлар».
21.55 «Уй остонадан бошланади».
22.25 «Монитор-Осиё».
22.55 «Шаҳрим — фахрим».
23.25 «Олам ва одам».
23.50 «Баҳорги вернисаж».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 26

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Эстрада қўшиқлари.
9.05 «Соябон — менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шоҳроҳ» клуби.

«Ешлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
11.00 «Таянч».
11.20 «Ҳамроҳ».
11.40 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 28-қисм.
12.15 Теннис. Наманган Халқаро турнири.
12.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
13.20 «Нокдаун». Бадиий фильм.
14.35 — 15.30 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.30 «Тараддуд». XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Олтин мерос». Узбекистон халқ артисти Ботир Зокиров.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Узбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Бизнес-академия».
21.50 Рақслар гулдастаси.
22.00 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Мукаррама Турғунбоева.
22.20 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 29-қисм.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.55 «Куй ва тасвир».
23.10 «Катта жанжал». Бадиий фильм.

II
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.10 «Камолот».
9.35 «Телевидение ва театр».
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дукони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40 «Спорт қитъаси».
13.10 — 14.40 «Ёлғон». Бадиий фильм. 2-серия.

***

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Бугуннинг боласи».
18.55 «Қулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.10 «Жозиба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Жаҳон киноси классикаси. «Том Жонс». Бадиий фильм.
24.00 — 00.10 «Даракчи».

III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

17.55—22.05 Россия жамоат телевидениеси.

*

22.05 Эълонлар.
22.10 «Қонли тош». Бадиий фильм (АҚШ).
23.35 «Опера шинавандаларига».
00.05—00.20 «Энг Жанубий». Телефильм.

IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Ажабтовур Фауст». Бадиий фильм.
10.50 Эълонлар.
10.55 «Спектаклдан сўнг».
11.20 Шанба эртаги.
12.20 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.05 Корейс тилини ўрганамиз.
13.25—14.55 «КВН-97». Мавсумнинг очилиши.

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Рақслар қанотида».
20.35 «5 дақиқа ўзинг учун».
20.40 «Хит-коллекция».
21.00 «Бу ажиб дунё».
21.20 Кинонинг олтин асри. «Палермода юз кун». Бадиий фильм.
22.50 «Оқшом учрашувлари». Узбекистон миллий симфоник оркестри.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун киностудия.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
9.40 Мультипанорама.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 29-қисм.
11.35 «Бир ўлка-ки...»
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 Келгуси ҳафтада.
12.55 «Соғинч».
13.05 «Елгиз ўзи из қўлади». Бадиий фильм. 2-серия.
14.25 «Мусиқа салтанати».
14.45 Узбекистон спорти.
15.00 Эгиз қушиқлар.
15.20 — 15.30 «Тақвим».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар еки...»
18.15 «Қотиллик пайда». Бадиий фильм. 7-серия.
19.05 «Пойинтар-сойинтар».
19.15 «Тухфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Илҳом сатрлари.
20.05 Эгиз қушиқлар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Маърифатнома». «Зиёратлари қабул бўлсин!»
21.25 «Бу мунис лаҳзалар».
21.45 «Шахс ва баҳс».
22.10 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 30-қисм.
22.45 «Интер-футбол».
23.10 «Келгуси ҳафтада».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 3—4-сериялар.
01.40 «Тақвим».
01.50 — 02.00 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Мухлис-ТВ 2»
11.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!»
11.25 Дилором наволар.
11.40 Видео-«О».
13.50 — 14.20 «Глобус». Телеальманах.

***

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Мухлис-ТВ 2».
19.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Видео-«О».
23.00 «Мафтункор чехралар».
23.20 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
23.25 «Мухлис-ТВ 2».
23.40 «Даракчи».
23.50 Дастур ниҳояси.

III
16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.55 «Чўртан балиқ амри билан». Мультфильм.

*

17.50—21.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.35 Эълонлар.
21.40 Сан-Ремода эстрада қўшиқлари фестивали.
22.15 «Афоня». Кинокомедия.
23.40—00.05 «Панорама».

IV
9.00 «Эй! Тонгингиз ҳайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсе?»
10.00 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.40 «Чашма».
12.10 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.20 «Жонли сайёра».
12.40 Киносалон. Оливер Стоуннинг «Взвод» фильми.
14.50 «Фильмлар ва тақдирлар».
15.20 «Афсоналар ва ҳақиқат».
15.55 «Телеташриф».
16.15 «Шу куннинг мавзуси».
16.30 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Менинг кўчам».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Яхши дегани нима-ю ёмон дегани нима». Болалар мусиқий дам олиш дастури.
19.40 «Тошкент оқшомида».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Иштирок этувчилар».
20.50 «Сенинг вақтинг».
21.10 «Кинопрофи». XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
21.40 Киносалон. Роберт де Ниро ва Дастин «Яширинб туриб» фильмида.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).

Ҳафтангиз мароқли ўтсин!

АЗИЗЛАР, ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ФАЙЗЛИ КУНЛАР

Барча мўмину мусулмонлар қатори республикамизда яшаётган муслиму муслималар ҳам муборак Курбон ҳайитини муносиб кутиб олаяптилар. Маълумки, ушбу саодатманд кунларда мусулмонлар ислом динининг бешинчи рукни бўлмиш ҳаж мавсумини кенг нишонлайдилар. Ҳаж эса ҳар бир мусулмон учун ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланиш мавсумидир. Сафари муборакка ният қилган ҳожилар мусулмонлар қиблаи мукаррамаси ҳисобланмиш Хонаи Каъбани тавофу зиёрат қилдилар. Шунинг учун ҳам «Зул-Ҳижжа» ойи бебаҳо ҳосиятларга эга бўлиб, унда жуда кўп такбиру таҳлил, зикру тасбехлар атилади. Уч кунлик Курбон ҳайити давомида Аллоҳ йўлига жондорлар сўйилиб қурбонликлар қилинади.

Адолатли демократик жамият қуриш йўлидан бораётган республикамизда ҳам фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, уларнинг иймон-эътиқодли, ватанга садоқатли инсонлар бўлиб етишишлари учун катта ғамхўрликлар қилинмоқда. Мустақиллик шарофати ила ҳар йили неча минг ўзбекистонлик мўмину мўминалар ҳам Байтуллоҳ зиёратига бориб, ҳожи бўлиб қайтмоқдалар.

Мухбиримиз муборак Курбон ҳайити арафасида пиру бадавлат ҳожи оталар, ҳожи оналар, ҳожиликдек улуғ ном билан элу юрт ишига барака қўшаётган турли касб соҳиблари билан учрашиб, уларнинг дил сўзларини қоғозга туширди.

КЎНГИЛЛАРНИ ЁРИТГАН ЗИЁРАТ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Бутун оламлар ҳожаси Аллоҳ таолога ҳамду санолар, мақташ ва улуғлаш чексиз қудратли Аллоҳга лойиқдир. Аллоҳнинг барча элчилари — пайғамбарларга салавоту дурудлар бўлсин.

Олам ва одам яралган саодатманд жума тонгида — хосиятли Курбон ҳайити катта байрам қилинаётган азиз кунларда дунёдаги сафарларнинг улуғи — ҳаж сафари ҳақида сизларга сўзлагим келди. Зеро, ҳаж Ислом рукнларидан бешинчиси ҳисобланади. Ҳар бир иймон-эътиқодли мўмину мусулмон умрида иложини топса бир марта Маккаи Мукаррамадаги Байтуллоҳга ҳаж қилиши даркор. Бу эса иймон синовидир. Билсак бу ёруғ олам инсоният учун синов лаҳзалари ҳисобланади.

Ҳаж шундай улуғ ибодатки, унинг сир-асрорларини, ҳикмату донишларини қалби пок ва иймони бақувват инсонларгина тўла ҳис қила оладилар. Ҳаж ҳам жисмоний, ҳам моддий ва ҳам маънавий бир ибодатдир. Яна ҳаж бугун дунё мусулмонлари вакилларининг йилда бир марта мулоқот қиладиган буюк анжумани ҳамдир. Унинг иштирокчилари тили, жинси, ирқи ва рангидан қатъи назар, тўла маънодаги тенг ҳуқуқли, фақат Аллоҳгагина сиғинувчилардир. Ҳаж бу Каъбатуллоҳни тавоф қилмоқ, Сафо ва Марва тоғлари орасида югурмоқ. Арофат тоғида бўлмоқ ва маъюсикларни адо этмоқдир.

Ҳажга аввало ҳалол ишлаб топилган маблағ ҳисобига борилади. Чунки харом маблағ ишлатиш ўша кишининг ҳажи қабул этилмаслигига сабаб бўлади.

Муборак ҳаж сафарига боришдек бахтли дақиқаларни бизга эрк ва озодлик ато этди. У куннинг шукуҳини ҳеч ёдимдан чиқармайман. Сафарга умрдошимни ҳам ҳамроҳликда олиб борганман. Эсимда, эҳромларга ўраниб самолётга учишини кутиб турибмизу, барчамиз йиғлаймиз. Назаримда бу кўз ёшлар юракларимизнинг туб-тубидан чиқар, умримизни сарҳисоб этиб, Яратганнинг одил ва холис ҳукмига муштоқ эдик. Эҳ-ҳе, ул муборак онлар қувончи, Аллоҳ ҳузурига ҳозирлигимизни тилда иқрор этиб «Лаббайка Аллоҳумма лаббайк»ни айтгандаги вужудимизга кирган титроқ, илоҳий нур, Муқаддас Каъбани кўзга суртиш онларининг эса тасвирига сўз йўқ. Буни ҳар бир зиёратчи қалби билан ҳис қилиб руҳи равони билан англаб етади. Хуллас, Байтуллоҳга борган чин мўмину мусулмон иншооллоҳ маъфират топади. Шунинг учун ҳам аксарият инсонлар ҳаждан янада тақводорроқ, янада сабрлироқ бўлиб қайтишади. Ниятим — ана шундай оний лаҳзалар барча умидвор кўнгилларга насиб этсин.

Олтин ҳожи ибн Муҳаммад АБДУРАСУЛ ўғли.
Тошкент шаҳри.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси мусулмонлари диний идораси муфтиси Мухторжон ҳожи Абдуллаев намозхонлар даврасида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ОТАЛАР АРМОНИ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИДА

Аслида эрк-озодлик ҳам Аллоҳнинг бандаларига бахш этган буюк инъоми экан. Эҳромларга ўралиб, юрагим, бутун жисми жоним муқаддас каъбага ошиқаётган пайтда, беихтиёр шу сўзлар хотирамга келди.

Раҳматли дадам қори Ҳакимхўжа Воҳидхўжа ўғли бир умр ҳаж сафарини орзу қилиб, бу дунёдан армон билан кетдилар. Бобокалонларимиз муборак зиёрат шавқини тотолмай ўтдилар. Ҳаётларининг ҳар лаҳзасини ҳақу иймонга бахшида этган аммажонларим — Музайямхон ва Мунаввархонлар дилларидаги муқаддас армонни бизларга эртак қилиб сўзлаб, тунлари Қуръони Карим оятларини қулоқларимизга қуйиб, бизнинг жисми жонимизда муқаддас армонларини экиб, яхши кунлар келишига умидвор дунёдан кўз юмдилар.

Шукрки, яхши кунлар келди, юртга мустақиллик билан дину ислом, иймон-эътиқод қайтди. Юртбошининг адолатли фармонлари билан миллионлаб иймонли кўнгилларга чироқ ёқилди. Дунё мусулмонлари қатори ўзбекистонликлар ҳам ҳаж сафарига бориш бахтига муяссар бўлишди. Шулар қатори ўтган йили мен ҳам дўстим, аммамнинг неваралари Юсуф билан ҳаж сафарига ихтиёр этдик.

Муқаддас Маккаи Мукаррама тупроғига биз, ўзбекистонлик зиёратчиларни ўзгача ҳурмат, самимият билан кутиб олишди. Бу ҳурмат замирида мен арабларнинг мамлакатимизга, унинг раҳбариятига зўр эътиборлари борлигини кўрдим.

Каъбатуллоҳ пойида туриб, 7 ёшлигимдан тунларини уйқусиз ўтказиб Қуръон сураларини менга ўргатган дадагинам учун ҳам, барча хешу ақраболаримиз учун ҳам зиёрат қилдим. Мени бир нарса ҳайратга солди. Муқаддас Каъба атрофидан кечаю кундуз минглаб одамлар узилмай туришига қарамасдан, ундан шундай бир муаттар бўй таралардики, бу мушку анбар вужудингизга ўзгача кайфият, муаззам туйғулар бахш этарди. Аллоҳнинг даргоҳи кенг деганлари шу бўлса керак-да.

Йўллар ойнадек равон. Тоғлар билан ўралган паст-баланд тепаликлар устида қурилган бу қадим шаҳар бетакрор ғўзал меъморчилик санъатини ўзида мужассам этган эди. Муҳташам иморатлар, улкан мозонали миноралар, мовий гумбазлар, қирқ устунли пешайвонлар, кунгирадор, қуббадор, нақшинкор дарбозалар. Бари ғўзал ва бетакрор эди.

Байтуллоҳнинг барпо этилиши тарихи билан қизиқдим. Ривоят қилишларича, бу муборак зиёратгоҳ ер юзида пайдо бўлгандан бошлаб ўн марта бузиб, ясалган эмиш. Энг аввал у Ҳақ Таолонинг ҳоҳиши билан фаришталар томонидан бино қилинган. Отамиз ҳазрати Одам Сафийюллоҳ томонларидан Баҳтуллоҳни иккинчи бор қурилган. Учинчи биносини эса Одам алайҳиссалом ўғиллари барпо этишган. Туртинчи бор унинг Иброҳим Халилуллоҳ тарафларидан қурилганлиги Қуръони Каримда ёзилган... Саккизинчи марта муборак Каъба Курайш қабиласи томонидан қайта қурилган. Бу пайтда пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари 35 да бўлиб, уни бунёд этишда бевосита иштирок этганлар.

Айтишларича, ҳажга бориб келган ҳожилар таассуротларини бошқалар билан баҳам кўришлари орқали яна бир холис савобга мушарраф бўлар эканлар. Уни эшитганлару ўқиганлар ҳам ана шу савобга муяссар этиларканлар.

Демакки, иймон-эътиқод бир чироқ, унинг нуридан ҳам қалб, ҳам руҳ ёришгай. Ана шу нурга мушарраф бўлмоқ барчамизга насиб этсин.

Юнўс ҳожи ВОҲИДОВ,
Бухоро вилояти,
Болтақора қишлоғи.

ДУО ЖАННАТГА БОШЛАГАЙ

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси муборакларида «жаннат оналар оёғи остидадир» деб лутфи карам қилганлар. Ҳақиқатан ҳам оналар буюк эҳтиромга, ҳурмату эъзозга мушарраф бўлган зотлардир. Уларга ҳар қанча хизмат қилсак, меҳр-оқибат кўрсатсак ҳам оз. Негаки она тўққиз ой бадалида ўз вужудида фарзандини асрабавайлайди. Аллоҳнинг иноятти ва беқиёс раҳнамолиги ила она юрагидан фарзандига юрак, кўзларидан кўз, хуллас унга ҳаёт бахш этади. Тунлар ухламасдан дилбандига ёруғ ниятлар тилаб аллалар айтади. Ўзини унутиб, ёшлигини бахшида этиб ғўдагини суюб эркалайди, камолга етказади. Онанинг меҳрини тасвирлашга сўз ожиз, фарзандлик бурчини адо этишда эса имкон чегарасиздир.

Шунинг учун ҳам ота-онасини рози қилган фарзандлардангина Аллоҳ таоло розо бўларкан.

Ойижоним, яъни қайинонамнинг ҳаж сафарларида хизматларида бўлмоқни, қолаверса, ўзимнинг инсонийлик фарзу қарзимни бажариш учун ният қилиб, Маккаи Мукаррама зиёратида бўлиб қайтдим.

Муқаддас қиблагоҳда туриб, оналарини эъзоз этган фарзандларга қойил қолдим. Ҳатто мункиллаб қолган оналарини, оёқлари дармонсиз оталарини елкаларига кўтариб Байтуллоҳни зиёрат қилаётганларни ўз кўзим билан кўрдим. Албатта, улар икки дунё саодатига муяссар бўлган солиҳ инсонлар эканлигига иймон келтирдим.

Зиёратчиларнинг ёшроғи бўлганим учун ҳам ҳожи оналар хизматига ҳамиша шай турдим. Буни қарангки, ҳаво иссиқ бўлишига қарамай ҳар қанча елиб-югуриб чарчамасдим. Юрагимга оналар дуоси мадад берар, руҳи равоним ёришиб, юрагим қувончга тўлиб борарди.

Ҳа, азизлар, муқаддас ҳаж сафари кўнгилларга ёруғлик солаётган хосиятли Қурбон ҳайити кунларида энг аввал ота-оналаримиз, бувию боболаримиз кўнглини олайлик, уларни зиёрат қилиб, дуоларига муяссар бўлайлик. Зеро, дуо —баҳоси гавҳардир, у эса сизу бизни жаннатга бошлагай.

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз иймон эътиқоди, дину диёнати бир юртдошлар.

Марҳабо МАМАДАЛИЕВА,
Фарғона вилояти.

ЯХШИЛИК

Бир ишни бошлашдан олдин яхши ниятқилмоқ, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатларидан. Аллоҳга шукурки, ота-боболаримиз минг йиллар яхши ниятбилан кутган кунлар бизга насиб этди. Бир пайтлар диний байрамларимиз Қурбон ҳайити, ийд-Рамазон ойлари ёқда турсин, муқаддас Наврўзни шодлик билан кутиб олишни тақиқлаб қўйган эдилар.

Улуғ аждодларимиз шаъни тикланди. Ҳазрат Баҳавуддин Нақшбанд дуолари, Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Ат-Термизий дурдоналари соҳибқирон Амир Темур шавкати, Улуғбек салоҳияти, Мирзо Бобур васиятлари, шоҳ Машраб афғонлари қайта тирилди, эл мулкига айланиб, халқни эзгуликка чорлади.

Буларнинг бари мустақиллик шарофатидир. Мана бугун ҳам улуғ айём Қурбон ҳайитини байрам қилаётирмиз. Ҳатто барокотли ҳайитнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида ҳар қанча сўзласак оз. У саховат ва марҳаматлар айёми бўлиб, бу кунда одамлар бир-бирларидан кўнгил сурайдилар, беморлар, ногиронлар аҳволидан хабар оладилар, табаррук отахон ва онахонларни зиёрат қиладилар. Етимларнинг бошини силаб, қаровчисиз қолганларга меҳр кўрсатиш ҳам ҳаётий удумларидан. Бир сўз билан айтсам, ҳайит одамларни бир-бирига яқинлаштириб, саховат, меҳр-оқибат ва яхшилик каби инсоний хислатларни юзага чиқаради.

Улуғларимиз айтганларидек, «Ватанни севмоқ иймондандир». Барчаларингизни улуғ ва муборак Қурбон ҳайити билан қутлаймиз. Муборак кунда қўлимни дуога очиб ниятқиламан. Юртимизда тинчлик барқарор бўлсин, ёшлар қалбига Ватан муҳаббати ошиён этсин. Боғларимиз боғ, далаларимиз мўл ҳосилга тўлсин. Меҳр-оқибат, яхшилик ҳар бир бандаи мўминнинг мангу ҳамроҳи бўлсин.

Салим ИБОДОВ,
меҳнат фахрийси.

ОНАЖОНЛАР— ЭЪЗОЗДА

Аёлларга қирқ жонни нечун ато этган? Дунёда дард чекмаган, юракларни ларзаларга соладиган ташвишли кунларни бошдан кечирмаган бирорта ҳам аёл топилмаса керак. Ривоят қилишларича Пайғамбаримиз оналарга жаннатга изн берган эканлар. «Жаннат оналар оёғи остидадир».

Марғилонда оғзида илми бор, пиру бадавлатлар бисёр. Кибриёхон ҳожи она Тоштемир қизи мунис онахонларнинг бир вакиласи. Саксон тўрт баҳор. Ҳожи онанинг фарзандларидан кўнгли тўқ. Набиралари ҳам она бўлишган. Уч ўғилу бир қиз, ўн саккиз невараю тўққиз чевара... Азал-азалдан Водийда, Марғилон, Наманган, Қўқон ва Шаҳрихон шаҳарларида отинбувилар зиё сочган.

Онани суратга олаяпмиз-у, кўнгилдан пок ниятлар ўтади: «Илоҳо умрингиз бундан-да узун, бундан-да сермазмун бўлсин, ёшларингизга етиб юрайлик, ҳожи онажон!».

«Болаларимнинг отаси раҳматли ҳаёт бўлганларида шу кўнларда юзга кирарди. Ҳар кимни худойим қўша қаритсин. Фарзандларим армонларимни тўлдирди. Невараларим кўнгилларимни ўкситмади. Чевараларим чеҳраларимни ёритмоқда. Худойимга минг қатла шукр!» Кибриёхон ҳожи она дуоларга қўл очади...

Бир ёнида набираси Хумоюн, атрофида чевараси Аҳмадулло. Ҳар иккисининг ҳам номларини ҳожи онанинг ўзлари қўйганлар. Бобурийлар авлоди Хумоюнни ёдга олмай кимни эсласин. Аҳмадулло туғилганида улуғ бобомиз Ҳожа Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинган эди. Азизларга эҳтиром бажо келтирилди. Чеваранинг исми Аҳмадулло бўлди. Бугун ҳожи онани зиёрат қилиб, унинг табаррук хонадонига улуғ айём билан қутлагани келаётганларни кўриб ҳавас қиласиз.

Ҳа, ҳожи она қайта-қайта таъкидлаганларидай Каъбани зиёрат қилиш барчамизга насиб этган бўлсин.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТ: Козим ЎЛМАСОВ тасвирга тушурган.

ИСЛОМ ОЛАМИДА ҚУРИЛГАН БИРИНЧИ МАСЖИД

Пайғамбаримизнинг, шу кундаги Мадинаи Мунаввара масжидида қурилган минбари шариф ўрнига туялари чўккан эди. Бу жой Абу Айюб Ансорийнинг эшиги олдида, шу маҳалла халқи бу жойни хурмо қуритиш учун хирмон қилиб ясаган эдилар. Аслида бўлса, бу жой икки етим боланинг отасидан қолган мерос мулки эди. Пайғамбаримиз бу ерни сотиб олмоқчи бўлиб, аларни чақирдилар. Анда у етим болалар: — Ё, Расулоллоҳ, бунга биз сотмоқчи эмасмиз, балки масжид учун сизга ҳадя қилиб, бу жойни тутдик, дейишдилар. Пайғамбаримиз бу сўзни қабул қилмадилар, балки бу жойнинг етарлик баҳосини бериб сотиб олдилар. Шу билан масжид биносини қуриш бошланди. Узунлиги 68 газ (1газ — 72 см), эни 54 газ эди. Бу ердан четроқда бир қудуқ олдида ғишт кесак қўйдирдилар. Саҳобалар шу жойдин ғишт кесакларни ташир эдилар. Расулуллоҳ ҳам шулар қаторида ишладилар. Ишнинг қизғин чоғида ишларни ташвиқ қилиш учун, шу шеърни ўқиганлари ҳадис китобларида ривоят қилинди: — «Аллоҳумма ло хайра илла хайрул охира, фар ҳамил ансора вал муҳожира». Мазмуни: «Охират яхшилигидин ўзга йўқдур яхшилик, эй худо, ансору муҳожирларни ўзинг раҳмат айлагил.»

Бу масжиди шарифнинг туруклари (устунлари) хурмо ёғочидан ясалиб, ўгзасига (устига) хурмо шохбутоқлари солинган эди. Том эгизлигини одам бўйидин ортиқроқ қилиб кўтардилар. Қибласи шимол томонида бўлиб, Қуддуси шарифга қаратилган эди. Бу масжидга уч жойдин эшик очилди. Меҳроби, минбари йўқ эди. Кейинроқ халқ кўпчилик бўлиб, аларнинг сўровларича, уч зиналик минбар қўйилди. Аммо Расулуллоҳ замонларида, Тўрт ёрнинг (Чориёрлар) даврларидаги масжидларда меҳроб йўқ эди. Умар бинни Абдул Азиз Умавия — халифаси Валид бинни Абдул Малик тарафидин Мадинага волий бўлиб келди. Мана шу чоғда масжидларга меҳроб қилиш одати бошланади...

Алихонтўра СОҒУНИЙ,
«Тарихи Муҳаммадий»дан.

«Оқ олтинЕС» савдо-ишлаб чиқариш акционерлик жамияти (ТП АО)нинг 1997 йилнинг 1 январь ҳолатига

БАЛАНСИ

Моддалар номи	Актив	Пассив
Асосий воситалар	5054	
Заҳиралар ва харажатлар	9058	
Дебиторлик қарзлар	15036	
Молиявий қўйилмалар	24	
Устав капитали		1614
Тақсимланмаган фойда		7939
Кредиторлик қарзлар		130
Резерв фонди		2433
Баланс	29172	29172
1996 йилдаги даромад	13643	
Қилинган харажатлар	10290	
Жамият кўрган фойда	3353	

Балансниг ҳаққонийлиги аудиторлик текшируви орқали тасдиқланган.

«Оқ олтинЕС» акционерлик жамияти ҳиссадорлари диққатига: шу йил 19 май соат 14-00 да жамиятнинг умумий мажлиси бўлади.

Тошкент кимё-технология институти томонидан 1994 йилда Замон Анварович Хўжамов номига берилган № 071847 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Узмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси жамоаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, тайёрлаш ва сақлаш бошқармаси бошлиғи Н. Хужаева онаси **Хадича ХЎЖАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0213, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.